BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

1930

# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
# ILMIY AXBOROTI




10(2)/2025

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University
10(2)/2025

E-ISSN 2181-1466
ISSN 2181-6875

@buxdu_uz @buxdu1 @buxdu1 www.buxdu.uz

***SERIYA:*** **T I L SH U N O S L I K**

| MUNDARIJA *** СОДЕРЖАНИЕ *** CONTENTS | | |
|---|---|---|
| **TILSHUNOSLIK *** LINGUISTICS *** ЯЗЫКОЗНАНИЕ** | | |


| | | |
|---|---|---|
| **Ахмедов А.Р.** | Татар тилида келишиклар | 3 |
| **Abdialimova S.Sh.** | Metafora yo‘li bilan hosil bo‘lgan internet terminlari | 11 |
| **Abduqahhorova G.A.** | O‘zbek tilida iqtisodiy anglitsizmlarning leksik-struktur o‘ziga xosliklari | 15 |
| **Abduraxmonov X.A.** | Mavhum otlarning ifoda maqsadiga ko‘ra turlari | 20 |
| **Akhmedova A.Kh.** | The use of neologisms across various spheres of activity: an analytical overview | 25 |
| **Artikxodjayeva K.A.** | Frazeologik birliklar va paremiyalarning tilshunoslikda tutgan o‘rni va ahamiyati | 29 |
| **Дадахонова З.О.** | Лингвокультурный анализ русского юмора | 34 |
| **Kilicheva M.R.** | Religionimlarning semantik turlari va funksional tasnifi | 39 |
| **Eshquvvatova G.N.** | Internet diskursda ko‘p ma’nolilik va kontekstual ma’no xususiyatlari | 44 |
| **Eshtokhtarova B.B.** | Pragmatic functions of gender representation in English and Uzbek proverbs | 51 |
| **Gafforov X.Sh.** | Erkaklarning ziddiyatli muloqotlarda agressiv nutq vositalaridan foydalanishi | 56 |
| **Karimova M.S.** | Classification of eristic discourse from contrastive linguistic perspective (English and Uzbek) | 60 |
| **Kozieva I.K.** | Onomastics as the science of names | 67 |
| **Kakhkhorova G.A.** | The etymological analysis of internet advertising vocabulary in English and Uzbek languages | 71 |
| **Sattorova Sh.B.** | O‘simlik nomlarining o‘zbek tilshunosligida o‘rganilishi: tarixiy tadqiqotlar va zamonaviy izlanishlar | 79 |

УЎК 81

# ТАТАР ТИЛИДА КЕЛИШИКЛАР

***Ахмедов Атоулло Рахматович,***
*Бухоро давлат университети Ўзбек тилшунослиги*
*ва журналистика кафедраси профессори*

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада татар тилидаги келишиклар борасида маьлумот берилган. Шу билан бирга татар тилидаги олмошлар ва уларга келишик қўшимчасининг бирикиш омиллари баён қилинган. Татар тилида һат ўзбек тилидаги каби 6 та келишик қўшимчаси бор. Ўзбек тилидаги келишиклардан келишик қўшимчаларининг вариантлари билан қисман фарқланади. Бош, қаратқич, жўналиш, тушум, ўрин-пайт, чиқиш келишиги қўшимчалари фонетик вариантлари билан 18 тани ҳосил қилади. Ва улар ўзакнинг ҳолатига кўра турлича қўшилади. Шунингдек, татар тилида сингармонизм қонунияти асосида сўзларнинг турланиши, турланган сўзларнинг гапдаги синтак вазифаси ҳақида ҳам фикрлар келтирилган. Мазкур мақола “Туркий тиллар қиёсий-тарихий грамматикаси” фанидан амалий машғулот олиб бориш учун тавсия қилинади.*

***Калит сўзлар:*** *келишик, татар тили, олмош, турланиш, шахс категорияси.*

## ПАДЕЖИ В ТАТАРСКОМ ЯЗЫКЕ

***Аннотация.*** *В данной статье представлена информация о падежах в татарском языке. Наряду с этим рассмотрены местоимения татарского языка и особенности присоединения к ним падежных окончаний. В татарском языке, как и в узбекском, существует 6 падежных окончаний. Они частично отличаются от падежей в узбекском языке вариантами падежных окончаний. Суффиксы именительного, родительного, дательного, винительного, местно-временного и исходного падежей образуют 18 форм с учётом фонетических вариантов. Они присоединяются по-разному в зависимости от состояния основы слова. Также представлены сведения о склонении слов в татарском языке на основе закона сингармонизма и синтаксических функциях склоняемых слов в предложении. Данная статья рекомендуется для проведения практических занятий по дисциплине «Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков».*

***Ключевые слова:*** *падеж, татарский язык, местоимение, склонение, категория лица.*

## CASES IN THE TATAR LANGUAGE

***Abstract.*** *This article provides information about cases in the Tatar language. Additionally, it describes pronouns in the Tatar language and the factors affecting how case suffixes combine with them. The Tatar language, like the Uzbek language, has 6 case endings. It partially differs from cases in the Uzbek language in the variants of case endings. The suffixes of the nominative, genitive, dative, accusative, locative, and ablative cases, including their phonetic variants, total 18. They are added differently depending on the characteristics of the root word. The article also discusses the declension of words based on the law of vowel harmony in the Tatar language and the syntactic function of declined words in a sentence. This article is recommended for practical exercises in the course «Comparative-Historical Grammar of Turkic Languages».*

***Keywords:*** *case, Tatar language, pronoun, declension, person category.*

**Кириш.** Татар тилида 6 та келишик бор. Ўзбек тилидаги келишиклардан келишик қўшимчаларининг вариантлари билан қисман фарқланади.

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Бош келишик | - |
| 2 | Қаратқич келишик | -ның\-нең |
| 3 | Жўналиш келишик | -ша\-гә, -ка\-кә |
| 4 | Тушум келишик | -ны\-не |
| 5 | Чиқиш келишик | -дан\-дән, -тан\-тән, -нан\-нән |
| 6 | Ўрин-пайт келишик | -да\-дә, -та\-тә |

Сўзга қўшимча қўшилиш тартиби қуйидагича бўлади: ўзакка кўплик қўшимчаси, кейин эгалик қўшимчаси, охирда келишик қўшимчаси қўшилади.

Масалан:

*каз – каз-лар-ыбыз-га* (ғозларимизга)
*алма – алма-лар-ыбыз-га* (олмаларимизга)
*әби – әби-ләр-ебез-гә* (буви (биби)ларимизга)
*күз – күз-ләр-егез-гә* (кўзларингизга)

**Бош келишик** махсус қўшимчага эга эмас. Унда кўплик шакллари (**-лар\-ләр, -нар\-нәр**) ва уч шахснинг бирлик ҳамда кўплик кўрсатгичлари бўлади.

**Қаратқич келишиги** тегишлилик, қарашлиликни ифодалайди. Унинг қўшимчалари **–ның\-нең** бўлиб ҳисобланади. Кейинги сўздаги 3-шахс эгалик қўшимчаси билан мослашув муносабатини ҳосил қилади:

*әтинең китабы* – отанинг китоби
*Масурның әнисе* – Масурнинг онаси
*бабайның бакчасы* – бобо(й)нинг боғчаси
*баланың башы* – боланинг боши
*Әнисәнең чәче* – Анисанинг сочи
*кешенең теле* – одамнинг тили
*казның муены* – ғознинг бўйни
*әтнең аягы* – отнинг оёғи
*Булатның маңгае* [булатның маºңғайы] – Булатнинг пешонаси
*әнинең кулы* – онанинг қўли

**Тушум келишиги**

Бу келишик қўшимчаси **–ны\-не**, бўлиб уни эслаб қолиш жуда осон:

*китап-ны* (китобни)
*әни-не* (онани)
*җиләк-не* (мевани)
*алма-ны* (олмани)
*дус-ны* (дўстни)
*директор-ны* (директорни)

Тушум келишиги феъллар билан бирга келганда, белгисиз қўлланилади. Яъни келишик қўшимчаси тушириб қўлланилади. Улар бош келишик шаклидай кўринади ва доимо кесимдан олдин келади:

*Мин хат язам.* – Мен хат ёзаман.
*Миңа чәй бир.* – Менга чой бер.
*Аңа алма бир.* – Унга олма бер.
*Әбигә җиләк бир.* – Буви (биби)га мева бер.
*Безгә акча бир.* – Бизга пул бер.
*Мин китап укыйм.* – Мен китоб ўқийяпман.
*Мин кино яратам.* – Мен кинони яхши кўраман.
*Балага су бир.* – Болага сув бер.

Ўзбек тилида бўлгани каби татар тилида ҳам аниқ предметни ифодалаш учун тушум келишиги аффикси қўлланилади. Қолган ҳолларда тушириб қолдирилиши мумкин:

*Миңа китап бир.* – Менга китоб бер.
*Миңа китапны бир.* – Менга (ана шу) китобни бер.
*Сиңа алма бирәм.* – Сенга олма берай.
*Сиэа алманы бирәм.* – Сенга (шу) олмани берай.
*Ул акча алды* – У пул олди.
*Ул акчани алды* – У (шу) пулни олди.

**Ўрин-пайт келишиги** қуйидаги қўшимчаларга эга: **-да\-дә, -та\-тә.** Нега вариантларнинг кўплигини аллақачон англаган бўлсангиз керак. Юқорида айтиб ўтганимиздек, сингармонизм қонуниятига мувофиқ қаттиқ ўзакларга –**да, -та** ва юмшоқ ўзакларга –**дә, -тә** қўшилади. Шу билан бир қаторда, ўзак жарангли ундош билан тугаганда **-да\-дә** ва жарангсиз товуш билан тугаганда **-та\-тә** қўшилади:

*өй – өйдә* (уй – уйда)
*эш – эштә* (иш – ишда)
*театр – театрда* (театр – театрда)

*институт – институтта* (институт – институтда)
*авыл – авылда* (овул – овулда)
*шәһәр – шәһәрдә* (шаҳар – шаҳарда)
Диалогдаги келишик қўшимчаларига диққат қиламиз.
1. – *Алмаз кайда?*
*– Алмаз Әлмәттә.*
2. – *Гөлнәз апаң кайда?*
*– Ул авылда.*
3. – *Айрат абый кайда?*
*– Ул Бухарада.*
4. – *Әбиең кайда?*
*– Әби базарда.*
5. – *Әниең кайда?*
*– Әнием магазинда.*
6. – *Әтиең кайда?*
*– Әтием командировкада.*
7. – *Балаларынгыз кайда?*
*– Театрда.*
8. – *Айнур кайда?*
*– Айнур авылда.*
9. – *Равил абыең кайда?*
*–.Эштә.*

**Жўналиш келишиги.** Жўналиш келишиги қўшимчалари **–га\-гә, -ка\-кә** сўз ўзагига қўшилади. Нега қўшимчалар бир неча вариантга эга эканлигини тушунган бўлсангиз керак. Демак, унли ва жарангли ундош билан тугаган ўзакка **–га\-гә** қўшилади:
*авыл-гә* (овулга)
*әни-гә* (онага)
*каз-га* (ғозга)
*бабай-га* (бобойга)
*су-га* (сувга)
*шәһәр-гә* (шаҳарга)
*Казанғга* (Қозонга)
Жарангсиз ундош билан туговчи сўзларга эса **-ка\-кә** қўшилади:
*җиләк-кә* (мевага – гилосга, олчага...)
*кич-кә* (кечга)
*китап-ка* (китобга)
*калак-кә* (қошиқга)
*мәчет-кә* (мачитга)
*баш-ка* (бошга)
*аяк-ка* (оёғга)
Келтирилган диалогдаги келишик қўшимчаларига қараймиз.
1. – *Әнигә нәрсә кирәк?*
*– Әнигә алма кирәк.*
2. – *Гүзәлгә нәрсә кирәк?*
*– Гүзәлгә җиләк кирәк.*
3. – *Заводка кем кирәк?*
*– Заводка инженер кирәк.*
4. – *Мәктәпкә кем кирәк?*
*– Мәктәпкә директор кирәк.*
5. – *Абыйга нәрсә кирәк?*
*– Абыйга фатир* (квартира) *кирәк.*
Айтиш мумкинки, жўналиш келишиги субъектнинг объектга нисбатан йўналишини кўрсатади:
*Мин университетка барам.* (Мен университетга боряпман.)
*Мин базарга барам.*
*Мин мәктәпкә барам.*
*Мин авылга барам.*
*Мин Бухарага барам.*

*Мин Мансурларга барам.*

*Мин бабайларга барам.*

*Мин әниләргә барам.*

Кишилик олмоши жўналиши келишиги бирлик шаклида тусланганда, қуйидагича кўринишга эга бўлади:

*мин – миңа* (мен – менга)

*син – синңа* (сен – сенга)

*ул – аңа* (у – унга).

Кўплик шаклида эса ўзак ўзгармайди, фақат **–га\-гә** қўшимчаси қўшилади:

*без – безгә* (биз – бизга)

*сез – сезгә* (сиз – сизга)

*алар – аларга* (улар – уларга).

Ўрганган қўшимчаларимизни қўшиб гапиришга ҳаракат қиламиз:

1. *– Миңа билет бир әле.*
*– Мә.*
2. *– Миңа конфет бир әле.*
*– Мә.*
3. *– Сиңа кассета кирәкме?*
*– Кирәк.*
4. *– Сиңа китап кирәкме?*
*– Кирәк түгел.*
5. *– Аңа фатир* (квартира) *кирәкме?*
*– Кирәк.*
6. *– Аңа икмәк* (нон) *кирәкме?*
*– Юк.*
7. *– Аңа самолет кирәкме?*
*– Кирәк түгел.*
8. *– Аңа акча* (пул, ақча) *бир.*
*– Ярар.*
9. *– Аңа китап бир.*
*– Ярар.*
10. *– Сезгә телевизор кирәкме?*
*– Кирәк.*
11. *– Аларга телефон кирәкме?*
*– Кирәк.*
12. *– Аларга дача кирәкме?*
*– Кирәкми.* (Керакмас)
13. *– Безгә кил.* (кел)
*– Ярар.*
14. *– Аларга әйт. Килсеннәр.*
*– Яхшы*
15. *– Әнәскә әйт. Язсын..*
*– Ярар.*

Жўналиш келишигининг **–а\-ә** варианти ҳам мавжуд:

*әни-ем – әни-ем-ә* – онамга

*әти-ем-ә* – отамга

*дәфтәр-ем-ә* – дафтаримга

*дуст-ым-а* – дўстимга

*ул-ым-а* – ўғлимга

*кыз-ым-а* – қизимга

*өстәл-ем-ә* – столимга (усталимга)

*квартир-ам-а* – квартирамга

*директор-ым-а* – директоримга

*дуст-ың-а* – дўстингга

*әти-ең-ә* – отангга

*әни-ең-ә* – онагга

*мәктәб-е-(н)-ә* – мактабига

*ул-ы-(н)а* – ўғлига
*кыз-ы-(н)а* – қизига

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Эътибор қилган бўлсангиз, учинчи шахс ҳосил қилувчи **–ы\-и, -сы\-се** қўшимчаларидан сўнг жўналиш келишиги қўшимчаси **–а\-ә** қўшилганда бир “н” товуши ортирилади. Чунки татар тилида икки унлининг ёнма-ён келиш ҳодисаси мавжуд эмас. Аммо бошқа ҳодиса ҳам мавжуд. Маълумки, туркий тилларда фақат 3 шахсда жўналиш келишигининг **–на\-нә** шакллари мавжуд. Юқорида берилган мисоллардаги ҳолатни ана шу билан изоҳласак мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўплик шаклида **–га\-гә ва -а\-ә** қўшимчалари сақланади:
*әни-ебез-гә* – оналаримизга
*дуст-ыбыз-га* – дўстимизга
*дуст-ыгыз-га* – дўстингизга
*дус-лары-(н)а* – дўстларига
*өстәл-ләре-(н)ә* – усталларига
*ул-лары-(н)а* – ўғилларига
*китап-лары-(н)а* – китобларига

**Чиқиш келишиги** қўшимчасининг вариантлари нисбатан кўп. Сабаби ўзак қандай товуш билан тугашига боғлиқ: **-дан\-дән, -тан\-тән, -нан\-нән.** Демак, сўз унли ва жарангли ундош билан тугаса, унга **-дан\-дән** қўшилади:
*әни-дән* (онадан)
*әти-дән* (отадан)
*бабай-дан*(бободан)
*алма-дан* (олмадан)
*шәһәр-дән* (шаҳардан)
*авыл-дан* (овулдан)
*күз-дән* (кўздан).

Жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга эса **-тан\-тән** қўшилади:
*аяк-тан* (оёқдан)
*җиләк-тән* (мевадан)
*баш-тан* (бошдан)
*колак-тан* (қулоқдан)
*тырнак-тан* (тирноқдан).
Бурун товушлари билан тугаган сўзларга **-нан\-нән** қўшилади:
*урман-нан* (ўрмондан)
*үлән-нән* (ўтдан, ўт-ўландан)
*урам-нан* (йўлдан)
*моң-нан* (Оҳангдан, мусиқадан)
*борын-нан* (бурундан).
Бу келишик шакли ҳаракат ўрни ёки чиқиш жойини билдиради:
*Мин авылдан киләм.* – Мен овулдан келаман.
*Мин университеттан кайтам.* – Мен университетдан қайтаман.
*Чәйнектән чәй ага.* – Чойнакдан чой қуйилади.
*Өйдән чык!* – уйдан чиқ!

Келишикларнинг олмошларда ифодаланиши қуйидагича турланади:

| | |
|---|---|
| *мин – минем* (мен – менинг) | *без – безнең* (биз – бизнинг) |
| *син – синең* (сен – сенинг) | *сез – сезнең* (сиз – сизнинг) |
| *ул – аның* (у – унинг) | *алар – аларның* (улар – уларнинг) |

Мисолларга мурожаат этамиз:
*минем башым* – менинг бошим
*минем аягым* – менинг оёғим
*минем кулым* – менинг қўлим
*минем чәчем* – менинг сочим
*синең телең* – сенинг тилинг
*синең керфекләрең* – сенинг киприкларинг
*синең тешең* – сенинг тишинг

*аның йөрхге* – унинг юраги
*аның колагы* – унинг қулоғи
*аның күзе* – унинг кўзи
*аның иреннәре* – унинг лаби
*аның кулы* – унинг қўли
*безнең куллар(ыбыз)* – бизнинг қўллар(имиз)
*безнең аяклар(ыбыз)* – бизнинг оёқлар(имиз)
*безнең авызлар(ыбыз)* – бизнинг оғизлар(имиз)
*сезнең күзләр(егез)* – сизнинг кўзлар(ингиз)
*сезнең башлар(ыгыз)* – сизнинг бошлар(ингиз)
*сезнең колаклар(ыгыз)* – сизнинг қулоқлар(ингиз)
*аларның куллары* – уларнинг қўллари
*аларның аяклары* – уларнинг оёқлари
*аларның битләре* – уларнинг юзлари

Эътибор қилдингизми, I, II шахс кўплик шаклларида эгалик шаклини (қўшимчасини) ифодаламаслик мумкин: *безнең куллар, сезнең күзләр.*

Диалогдаги олмошлар ва келишик қўшимчаларига қараймиз.

*1. – Сәлам, Айдын!*
*– Исәнме, Сәлем!*
*– Апаң өйдәме?*
*– Юк.*
*2. – Маратның апасы бармы?*
*– Юк.*
*3. – Мансурның кулы чистамы?*
*– Әйе.*
*4. – Китапның рәсемләре күпме?*
*– Күп.*
*5. – Рәхмәтнең апасы киләме?*
*– Килә.*
*6. – Казанның гербы бармы?*
*– Бар.*
*7. – Авылның мәчете яңамы?*
*– Яңа.*
*8. – Гөлнурның чәче матурмы?*
*– Матур.*
*9. – Масурның алмасы зурмы?*
*– Зур түгел.*
*10. – Аның квартирасы яңамы?*
*– Әйе.*
*11. – Өйнең стеналары акмы?*
*– Әйе ак.*
*12. – Алабуганың базары зурмы?*
*– Зур.*
*13. – Татарстанның флагы бармы?*
*– Бар.*
*14. – Синең китабың матурмы?*
*– Матур.*
*15. – Минем сүзләр яхшымы?*
*– Юк.*
*16. – Синең кулың чистамы?*
*– Чиста.*
*17. – Аның китабы яңамы?*
*– Әйи, яңа.*
*18. – Аның чәче матурмы?*
*– Матур.*
*19. – Сезнең мәчет яңамы?*
*– Яңа.*

*20. – Безнең әти кайда?*

*– Базарда.*

*21. – Сезнең квартира зурмы?*

–Зур түгел.

*22. – Сезнең дача бармы?*

*– Бар.*

*– Зурмы?*

*– Зур түгел.*

*23. – Сезнең кулыгыз чистамы?*

*– Юк.*

*– Сөлге кирәкме?*

*– Кирек. Рәхмәт.*

(*Өйдә* – уйда, *рәсем* – расм, *килә* – келмоқ, *мәчет* – масжит, мачит, *матур* – чиройли, *яңа* – янги)

**Кўрсатиш олмошларига** *бу, ул, шул, теге* кабилар киради. Бу олмошлар келишикларда қуйидагича турланади:

| Бош келишик | *Бу* | *шул* | *теге* |
|---|---|---|---|
| Қаратқич келишик | *моның* | *шуның* | *тегенең* |
| Жўналиш келишик | *моңа(р)* | *шуңа* | *тегеңә* |
| Тушум келишик | *моны* | *шуны* | *тегене* |
| Чиқиш келишик | *моннаң* | *шуннан* | *тегеннән* |
| Ўрин-пайт келишик | *монда* | *шунда* | *тегендә* |

Ана энди буларни диалогларда қўллаймиз.

*1. – Ул кызны каян беләсең?*

*– Мин аны университетта күрдем.*

*– Мине дә таныштыр әле.*

*– Ярар.*

*2. – Безгә бер абый килде. Ул абый гармунда бик яхшы уйный.*

*– Ул абый кайсы авылдан?*

*– Ул абый – әтинең дусты, Сарманда яши.*

*3. – Рәйсә, гафу ит. Ул вакытта минем эшем күп иде. Синең белән сөйләшергә вакытым булмады.*

*– Борчылма, Аяз. Мин үпкәләмим. Ул көнне мин дә бик ашыктым.*

*4. – Бу кыз сиңа танышмы?*

*– Юк, таныш түгел. Ә син аны беләсеңме?*

*– Мин дә белмим.*

*5. – Бу алам ничә сум?*

*– Унбиш сум.*

*– Ә бусы?* (бунисичи?)

*– Җидә сум. Сезгә кайсысы кирәк?*

*– Меңә бусы.*

*6. – Теге трамвай ничәнче?*

*– Бишенче.*

*– Ул кая бара.*

*– Паркка.*

*7. – Теге китапны алып бир әле, Зулфия.*

*– Кайсы китапны?*

*– Әнә теге кызыл тышлы китапны.*

*8. – Сезгә кайсы китап кирәк?*

*– Әнә теге.*

*– Бумы?*

*– Юк, тегесе.*

*9. – Мин дискотекага бардым. Шул дискотеакда бер егет белән таныштым. Ул – Франциядән. Исеме – Эжен. Шул егет татарча өйрәнергә теләде. Мин аэа ярдәм итәргә телим.*

*– Шулаймыни? Бик кызык!*

*10. – Син Рәшитне кайда күрднң?*

*– Теге көнне, дискотекада.*

*– Кем белән?*

*– Теге кыз белән.*

Кейинги гуруҳ кўрсатиш олмошлари – *андый, мондый, шундый.*

*11. – Матур кызлар күп монда!*

*– Мин андый кызларны яратмыйм.*

*– Ә миңа шундый кызлар ошый.*

*– Андый кызлар бездә дә бар.*

*12. – Мондый китапны каян алдың?*

*– Кибеттә бар.*

*– Мондый китапны мин күрмәдем.*

*13. – Безнең университетта бик зур галимнәр эшли.*

*– Ә бездә андый галимнәр күп түгел. Шундый галимнәре булган университетта уку нинди зур бәхет!*

*14. – Фатирыгыз бик матур. Шундый бүлмәдә яшәү рәхәттер, әйеме.*

*– Әлбәттә.*

*15. – Без быел яңа фатирга күчтек. Фатирыбыз зур, өч бүлмәле. Балконы бар. Бүлмәләре аерым. Менә шундый хәлләр!*

*– Ә безнең фатир кечкенә. Күп кеше яшибез. Менә шундый шартларда яшә инде син! Эх!*

**Кишилик олмошлари чиқиш келишиги қўшимчаси билан қуйидагича турланади:**

| | |
|---|---|
| *миннәр* | *сездән* |
| *синнән* | *сездән* |
| *аннән (аңардан)* | *алардан* |

**Хулоса** қилиш мумкинки, татар тилида 6та асосий келишик мавжуд. Ҳар бир келишик сўроқ сўзлари ва қўшимчалари билан аниқланади. Бу тизим туркий тиллар учун умумий бўлиб, гапдаги сўзлар ўзаро боғланишини кўрсатади. Татар тили ҳам бошқа туркий тиллар каби сўзларнинг гапдаги вазифасини қўшимча орқали билдиради. Татар тилида фонетик уйғунликка риоя қилинади. Бундан билиш мумкинки, тилда келишикларнинг вариантлари бир нечтадир. Шу тизим тилни осон ва мантиқли қилади.

### *АДАБИЁТЛАР:*


1. *Axmedov A.R. Turkiy tillar qiyosiy-tarixiy grammatikasi. O‘quv qo‘llanma. Buxoro. “Durudona”, 2024.*
2. *Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. -320 б.*
3. *Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. -168 б.*
4. *Абдураҳмонов Д. Тошкент область шеваларининг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – 4-сон. – 49-54-бетлар.*
5. *Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – М., 1969. – С. 118-119.*
6. *Джураев А.Б. Морфология узбекских говоров Верхней Кашкадарьи в ареальном освещении: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – М., 1986. – 16с.*
7. *Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология. – М.: Наука, 1988. -560 с.*
8. *Сафиуллина Ф.С. Татарский на каждый день (Самоучитель). Казань: ТаРИХ, 2001. С. – 352.*
9. *Замонавий ўзбек тили. Морфология. I жилд. –* Тошкент: *Mumtoz so‘z, 2008. – 468.*
10. *Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –* Тошкент: *Ўқитувчи, 1987. – 256 б.*

**"SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY"**

The journal was composed in the Editorial and Publishing Department of Bukhara State University.

**Editorial address:**

Bukhara, 200117

Bukhara State University, main building, 2nd floor, room 219.

Editorial and Publishing Department.

https://buxdu.uz/32-buxoro-davlat-universiteti-ilmiy-axboroti/131/131-buxoro-davlat-universiteti-ilmiy-axboroti/

e-mail:

nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Printing was permitted 29.10.2025 y. Paper format 60x84,1/8. Printed in express printing method. Conditional printing plate – 35,30. Circulation 70. Order № 30. Price is negotiable.

Published in the printing house "BUKHARAHAMD PRINT" LLC

Address: Bukhara, Hofiz tanish Bukhari street, 190 B-house